

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 1 август, № 157 (7115) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# АГРАР ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИ ФАРОВОНЛИК ОШИШИ ВА НАРХ-НАВО БАРҚАРОРЛИГИДА АКС ЭТИШИ КЕРАК

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 31 июль куни ғўза ривожини жадаллаштириш, ғалла ўримидан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экиш, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Маълумки, жорий йил 4 июль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида 5 июлдан 5 сентябрга қадар "Ҳосилга ҳосил қўшиш долзарб икки ойлиги" эълон қилинган эди. Йиғилишда шу борада амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилинди.

Ўтган вақт мобайнида ғўза ривожининг кечикиши бартараф этилмагани, ғўза ривожи ҳали ҳам 8 — 10, баъзи жойларда 12 — 15 кунга орқада қолаётгани таъкидланди. Ўтган йилнинг шу даврида бир туп ғўзада ўртача 5 — 7 кўсак шаклланган бўлса, бугун 3 — 5 тадан ошмайди.

Бундай ҳолат юзага келишининг асосий сабаби июнь-июль ойларида жойлардаги ҳокимлар, секторлар раҳбарлари, айниқса, фермерлар ғалла ўрим-йиғими ва такрорий экин экишни баҳона қилиб, ғўза парваришини ўз ҳолига ташлаб қўйганида, деди давлатимиз раҳбари. Ғўзани чанқатмай, қатор ораларига ишлов бериш ва сувдан самарали фойдаланиш ишлари ҳам кўнгилдагидек ташкил этилмаган. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, аксарият далаларда на культиватор, на сувчи ва на бирор ишчи бор. Ҳатто айрим туманларда пахта ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Кўплаб майдонларда ғўза чанқаб ётибди, бу эса ҳосил йўқотилишига олиб келмоқда.

Республика ишчи гуруҳлари маълумотига кўра, ғўза қатор ораларини культивация қилиш ишлари мутлақо талабга жавоб бермайди. Қатор туманларда тракторлар бошқа ишларга жалб қилингани оқибатида культивация кечикиб, ғўза қатор оралари ёрилиш даражасига келган. "Механизаторлар уйлари"да шароит йўқлиги, "отряд" ва "наряд" тизими ишламагани оқибатида культиваторларнинг 45 — 50 фоизидан етарлича фойдаланилмаяпти.

Қишлоқ хўжалигидаги вазифаларни бажаришда камчиликларга йўл қўйгани учун Зарбдор, Ғузор, Бағдод ва Уйчи туманлари тўртала сектор раҳбарларини лавозимидан озод қилиш бўйича топшириқ берилди.

Пахта майдонларида агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, ғўзани чанқатмай, қатор ораларига ишлов бериш, культиваторлардан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Бу йил ноқулай об-ҳаво туфайли ғўза зараркунандаси ва ҳашаротлар кўпайди. Олимларнинг аниқлашича, кўсак қурти капалагининг қишловдан соғлом чиқиш даражаси 76 фоизни ташкил этяпти. Бу охирги йиллардаги энг юқори кўрсаткичдир. Аслида, бу рақамнинг 50 фоизга етиши фавқулодда ҳолат сифатида баҳоланади. Жорий йил эса ҳашарот 1,5 баробар кўп. Мазкур муаммо ҳар бир масъул раҳбардан тизимли назоратни йўлга қўйиш, айниқса, фермерлардан шахсий масъулиятни кучайтиришни талаб этади.

Соҳа олимлари бу йил 460 минг гектарда ўргимчаккана, 390 минг гектарда кўсак қурти ва 42 минг гектарда беда қандаласи тарқалиши тўғрисида прогноз бермоқда. Шу сабабли Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари ва Тошкент давлат аграр университети раҳбарлари бошчилигида 127 нафар олим вилоятларга юборилди. Ғўзани зараркунанда ва ҳашаротлардан ҳимоя қилишга бюджетдан қўшимча 100 миллиард сўм ажратилди. Лекин айрим сектор раҳбарлари ҳали ҳам бепарво юрибди. Минглаб гектар майдонда кимёвий ишлов ўтказилди, деб ҳисобот берилган бўлсада, амалда кутилган натижага эришилмаган. Яъни ишлов сифатсиз ва номига ўтказилган. Оқибатда айрим вилоятларда кўсак қурти 4-5 минг гектардаги ғўзага зарар етказган. Яна 8 — 10 минг гектар майдон хавф остида турибди.

Ғўза ривожига суғориш ишлари тўғри ташкил қилинмагани ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Сектор раҳбарлари ва сув хўжалиги ходимлари сувни адолатли тақсимлаш билан етарлича шуғулланмаяпти. Масалан, муайян туманга етказиб берилган сувнинг 50 — 60 фоизи такрорий ва томорқа экинларини суғоришга йўналтириляпти. Сувдан мақсадли фойдаланилмагани, етарлича сувчи жалб қилинмагани, тунги суғориш ишлари ташкил этилмагани оқибатида айрим туманларнинг 10 — 15 фоиз майдонида ғўза чанқатиб қўйилган. Ғўзани шарбат усулида суғориш бўйича аниқ топшириқ берилган бўлишига қарамай, айрим туманларда 60 — 65 фоиз майдонга сувнинг ўзи ҳайдалмоқда. Шу муносабат билан Сув хўжалиги вазирлиги ва Давлат ветеринария қўмитасига ўз тизимидаги ходимларни далага маҳаллий ўғит чиқариш ва ғўзани "шарбат" билан суғориш ишларига жалб қилиб, фермер хўжаликларига бириктириш вазифаси топширилди. Сувдан самарасиз фойдаланган сектор раҳбарлари ва фермерларга нисбатан чора кўрилади.

Йиғилишда ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экишни якунлаш, шартнома тузиш ва бўнак маблағларини бериш ишларини жадаллаштириш масаласи кўриб чиқилди.

Бугунги кунда дунёда аҳоли сони ва ҳаёт даражаси ўсиши сабабли жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ва нарх-наво ошиб бормоқда. Бундай шароитда барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириб, ички бозорни тўлдириш ва экспорт ҳажмини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади. Айни шу мақсадда жорий йилда ғалладан бўшаган 680 минг гектар майдонга такрорий экин экиш белгиланган эди. Лекин такрорий экин экиш бошланганига бир ойдан ошган бўлса-да, ишлар ҳали якунига етказилгани йўқ. Жумладан, мамлакат бўйича 25 минг 350 гектар майдонга картошка экиш белгиланган. Бироқ бугунгача унинг 52 фоизигагина экилган.

Яна бир муаммо шуки, такрорий экин тури ва майдони белгилаб берилган бўлса-да, сектор раҳбарлари назорат қилмагани оқибатида 2 баробар кўп майдонга чорва озуқаси экилган. Айрим сектор раҳбарлари қўшиб ёзиш каби эски ва зарарли иллатдан ҳалигача қутулмагани туфайли такрорий экин бўйича маълумотлар тўғрилигига кафолат бериб бўлмайди. Масалан, ўтган йили ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экилгани ҳақида ҳақиқатдан йироқ ҳисобот берилгани мева-сабзавот маҳсулотлари экспортига салбий таъсир кўрсатди. Шундан келиб чиқиб, Бош прокурор белгиланган талабларни бузган масъул раҳбарларга нисбатан тегишли чора кўриши керак. Мутасаддилар ўтган йилги камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб, такрорий экин майдонларида маҳсулот етиштириш ва экспорт қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил қилиши лозим. Такрорий экин экиш ишлари 5 августгача тўлиқ якунига етказилиши шарт. Бунинг учун моддий-техника ресурслари тўлиқ етказиб берилиши, агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилиши, сувдан оқилона фойдаланилишини алоҳида назоратга олиш зарур.

Йиғилишда қайд этилганидек, такрорий экин маҳсулотларини харид қилиш бўйича қайта ишлаш корхоналари, экспортчи ва тайёрлов ташкилотлари билан шартномалар тузиш ишлари ҳам қониқарсиз. Жумладан, экспортга чиқариладиган такрорий экин маҳсулотларининг Қорақалпоғистонда 23, Тошкент вилоятида 27, Бухорода 53 фоизини харид қилиш бўйича экспортчи ташкилотлар билан шартнома тузилмаган. Қайта ишлаш корхоналари ва тайёрлов ташкилотлари билан шартнома тузиш борасида ҳам шундай кўрсаткичларни келтириш мумкин.

Шартномалар тўлиқ тузилмагани фермерларга бўнак маблағлари тўлашга салбий таъсир кўрсатяпти. Шу кунгача қайта ишлаш корхоналари бўнакнинг 10, экспортчилар 11, тайёрлов ташкилотлари 38 фоизини тўлаган, холос. Шартнома тузилмаса, бўнак маблағи берилмаса, деҳқоннинг ҳоли нима кечади, деган масала ҳеч кимни ташвишлантирмаётгандек. Бу муаммони тезкор бартараф этиш мақсадида мутасаддиларга беш кун муддатда такрорий экиндан олинадиган маҳсулотларни харид қилиш бўйича шартномалар тузишни, ўн кун муддатда бўнак маблағлари тўлаб беришни якунига етказиш чораларини кўриш вазифаси топширилди.

Шу билан бирга, тижорат банклари томонидан қайта ишлаш корхоналари, экспортчилар ва тайёрлов ташкилотларига бўнак маблағларини тўлаб бериш учун зарур бўлган кредитлар қисқа муддатда ажратилишини қатъий назоратга олиш керак. Тузилган шартномаларга асосан такрорий экин маҳсулотларини етказиб бериш бўйича самарали тизим ишлаб чиқиш ва жорий қилиш асосида ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиб олиш чораларини кўриш зарур.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва ички бозорни арзон маҳсулотлар билан тўлдиришда томорқадан самарали фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жорий йил бу борада янги тизим татбиқ қилиниб, 161 "Томорқа хизмати" корхонаси ташкил этилди. Уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш учун 471 миллиард сўм кредит ажратиш кўзда тутилган.

Шунингдек, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиб, 500 миллиард сўм ажратилди. Шу кунга қадар Жамғарма ҳисобидан томорқада маҳсулот етиштириш, иссиқхона ташкил қилиш, техника ва ускуналар харид қилишга 62 миллиард сўм йўналтирилди.

"Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида аҳоли учун 400 миллион доллар ажратилди.

Буларнинг барчаси томорқада маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, иссиқхона ташкил қилиш, уй шароитида парранда ва чорва моллари боқиш орқали аҳолининг даромадини ошириш, бандлигини таъминлаш, турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилади.

Лекин шундай саъй-ҳаракатларга қарамай, томорқадан самарали фойдаланишни ташкил этишда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда "Томорқа хизмати" кутилганидек фаоллик кўрсатмаяпти.

— Томорқадан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича яратилган тизим натижа бериши шарт. Биз буни аҳоли турмуш шароитининг ўзгариши ва ички бозордаги нарх-наво билан баҳолаймиз. Барча раҳбарлар яхши тушуниб олиши керак. Томорқа, бу — аҳолининг бандлиги, даромад манбаидир, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу сабабли томорқада маҳсулот етиштираётган, қорамол, 50 бош паррандаси бўлган хонадоннинг ишсиз аъзоси 1 минимал иш ҳақи миқдорида пенсия жамғармасига тўлов қилса, 1 йиллик кафолатланган иш стажига эга бўлиши белгилаб қўйилди. Бу имтиёз уйида деҳқончилик қилаётган аҳоли, айниқса, аёллар, ёшларнинг бандлигини таъминлаб, келажакда пенсия олишига замин яратади. Мутасаддилар янги тизим самарали ташкил этилишини таъминлаш чораларини кўриши ва ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишни қатъий назоратга олиши керак. Аввало, томорқада бўшаган майдонларга такрорий экин экиш ишларини ташкил этиш зарур. Айни пайтда ҳудудларнинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, август-сентябрь ойларида экиладиган пиёз, саримсоқпиёз, кўкатлар каби тўқсонбости экинлар хонадонма-хонадон жойлаштирилиб, ўз вақтида экилишини таъминлаш лозим. Бунинг учун "Томорқа хизмати" корхоналари томонидан уруғлик, ёқилғи, минерал ўғитлар етказиб берилишини алоҳида назоратга олиш даркор.

Йиғилишда маҳаллий бюджетга қўшимча даромад тушириш захираларини сафарбар қилиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш масаласи муҳокама қилинди.

Июль ойи якуни бўйича солиқ идоралари томонидан қарийб 4,7 триллион сўм маблағ ундирилиши, режадан ташқари бюджетга қўшимча 889 миллиард сўм тушиши қайд этилар экан, айрим ҳудудлар, асосан, йирик солиқ тўловчилар ҳисобига режани бажараётгани таъкидланди. Савдо, хизмат кўрсатиш нуқталари, кичик тадбиркорлик субъектларини солиқ билан тўлиқ қамраб олиш, фаолият кўрсатмаётган субъектлар билан ишлаш ҳисобига солиқ базасини кенгайтириш юзасидан ишлар етарли даражада эмас. Солиқ тўловчилар сонида ўсиш деярли кузатилмаяпти. Ҳокимлар ва уларнинг биринчи ўринбосарлари бу борадаги вазиятни чуқур таҳлил қилиши, ишга янада жиддий ёндашиши зарур. Шундагина масалани ижобий томонга ўзгартириш мумкин.

Йиғилишда маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш бўйича прогноз кўрсаткичларни бажариш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳам кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг январь — июль ойлари якунига кўра, мамлакат бўйича жами 7,2 миллиард долларлик экспорт амалга оширилиши ва режа кўрсаткичлари 104 фоиз ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 127 фоиз бажарилиши кутилмоқда. Лекин бу рақам барча соҳада экспорт ошишини назарда тутмайди, албатта. Масалан, айрим вилоятларда мева-сабзавот экспорти ҳажми ортгани ҳолда, саноат маҳсулотлари экспортининг режа кўрсаткичлари бажарилмай қолиши мумкин. Режа кўрсаткичларига тўлиқ эришиш учун мутасаддилар масалани атрофлича ўрганиб, зарур чораларни кўриши керак.

Йиғилишда кун тартибидаги масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимларнинг ҳисоботлари тингланди.

**ЎзА.**

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ



## Давлат молиявий назоратининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилади

Мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасида олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар, амалга оширилаётган ўзгаришлар ва янгиланишлар натижасида мана шу қисқа давр мобайнида соҳада мавжуд камчиликлар ва иш услублари танқидий қайта кўриб чиқилиб, янгиланганлиги, бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинганлиги, уларда асосий эътибор амалий самарадорлик ва натижадорликка эришиш ҳамда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида вазирлик ҳамда идораларнинг раҳбарлари, олимлар, экспертлар ва мутахассислар иштирокида "Давлат молиявий назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш"га бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда 2017 йил 21 августдаги "Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорининг 6-банди, шунингдек, 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг 30-банди ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг "Давлат молиявий назорати тўғрисида"ги қонуни лойиҳасини тайёрлашни жадаллаштириш ва қабул қилиш вақти келганлигини айтиб ўтдилар.

➔ 2

## Қонун кучга кирди

## Сув ресурсларидан ноқонуний фойдаланган жазоланади

*Бугунги кунда юртимиздаги 69 та шаҳар, 335 та посёлка ва 2 минг 902 та қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжлари ер ости сувлари захиралари ҳисобига қондирилмоқда. Бу рақамлар давлатимиз раҳбарининг "2017 — 2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида келтирилган.*

Қишлоқ хўжалигидан кўпроқ маҳсулот олиш, аммо унинг салбий оқибатлари билан ҳисоблашмаслик кейинги ўн йилликларда чучук ер ости сувлари ҳолатига салбий таъсир кўрсатди. Сув олиш иншоотларининг рухсатсиз қурилиши, сувдан назоратсиз фойдаланилиши эса айрим манбаларда сув захираларининг кескин камайиши ёки умуман тугашига олиб келди. Масала бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш ва қонунбузарлик ҳолатларига қарши курашни кескинлаштиришни тақозо этди.

Натижада мамлакатимизда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг қонуний асослари янада такомиллаштирилди. Давлатимиз раҳбари томонидан шу йилнинг 20 июль куни имзоланган Қонунга мувофиқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар киритилиб, сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

➔ 2

## Эксклюзив интервью

## Памела СПРАТЛЕН: «Мени очиқ чеҳра ва табассум билан кутиб оладиган ўзбек халқидан чексиз миннатдорман»

*Ҳадемай АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратлен мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлайди. Диёримизда ўтган уч ярим йиллик фаолияти давомида Спратлен хоним икки давлат ўртасидаги муносабатлар ривожида алоҳида фаоллик кўрсатди.*

"Америка овози" телерадиоси мухбири Навбаҳор Имамова "Халқ сўзи" газетаси учун моҳир дипломат билан эксклюзив интервью уюштирди. Ана шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.

***— Тошкентдаги дипломатик миссиянгиз тугаб бормоқда.***

— Афсуски, шундай.

***— Тарихга гувоҳсиз... Муҳим дамларда Ўзбекистонда бўлдингиз.***

— Шундай, омадим бор экан.

***— Элчи қачон янгиланади?***

— Биласиз, буни айта олмайман. Бу масала Вашингтонда ҳал этилади.

***— Жараён секин.***

— Ҳа, секин, лекин тушунса бўлади. Уни Оқ уйда Президент ва унинг таркиби бошқаради. Элчи — давлат раҳбари ишонган шахс, унинг вакили.

➔ 2

## Аҳолини ўйлантираётган муаммолар бартараф этилди

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

*Олмазор туманидаги Тепагузар маҳалласида яқингача, бор-йўғи, битта болалар майдончаси бўлиб, у ҳам таъмирталаб аҳволдалиги боис ҳеч ким яқинига йўламасди. Умуман, ҳудудда яна кўплаб муаммолар ҳам йиғилиб қолган, бу эса аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди...*

➔ 2




## Автомобиллар нархи ошишига ойдинлик киритилди

*Интернет сайтларида Асакадаги автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган машиналар нархи қимматлашиши ҳақида ахборот пайдо бўлганидан сўнг ижтимоий тармоқларда ушбу мавзу қизғин муҳокамага сабаб бўлди.*

XALQARO PRESS KLUB

Кўпчиликни бир савол жавоби қизиқтираётганди: хўш, енгил машиналар баҳоси кўтарилишининг сабаби нимада?

"Ўзавтосаноат" акциядорлик жамияти мутасаддилари Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги анжуманида бунга изоҳ беришди.

Жамият бошқаруви раиси Шавкат Умурзоқовнинг айтишича, ҳақиқатан ҳам, жорий йилнинг 1 августидан эътиборан "GM Uzbekistan" заводида ишлаб чиқарилаётган машиналар нархи ўртача 14 фоиз оширилади.

➔ 2

# Давлат молиявий назоратининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилади

1 ➡

— Соҳадаги муносабатлар бугунги кунда Бюджет кодексининг "Давлат молиявий назоратини ташкил этиш" номли 26-боби ва бошқа қонун ҳужжатлари орқали тартибга солинмоқда, — дейди қўмита аъзоси Абдурашид Тўхтабоев. — Тўғри, уларда давлат молиявий назоратини ўтказиш даврийлиги ва муддатлари, назорат натижаларини расмийлаштириш, молиявий назорат объекти мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, чекловлар ва бошқа умумий қоидалар акс эттирилган. Аммо бугунги кунда давлат молиявий назоратини амалга оширишнинг яхлит ҳуқуқий ҳамда услубий асослари белгилаб берилмаган. Бу тизимни янада такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Тадбирда янги қонун лойиҳасида бюджет жараёнининг ҳар бир босқичида ташқи ва ички молиявий назоратнинг вазифа ҳамда функцияларини аниқ белгилаш назарда тутиляпти. Бюджет тизими ва бошқа молиявий маблағларнинг мақсадли сарфланишини, улардан самарали фойдаланилишини таъминлаш масъулияти ҳам соҳа мутахассислари зиммасида. Давлат мулки бўлган ташкилотларда тўлақонли молиявий назоратни амалга ошириш, соҳада суиистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш, масофавий назоратни кенг кўламда қўллаш борасида замонавий ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш, шунингдек, давлат молиявий назоратининг очиқлиги ҳамда шаффофлигини таъминлашга қаратилган қоида ва нормалар акс этиши зарурлиги алоҳида эътироф этилди.

Депутатлар қонун лойиҳаси билан давлат молиявий назоратининг объектлари, принциплари, турлари, усуллари ҳамда стандартларини яратиш, бюджет ва смета-штат интизомини бузиш ҳолатларини профилактика қилишда ички аудит ва молиявий назорат хизматини ва улар ходимларини сертификациялаш тизимини жорий этиш хусусида ҳам тўхталди. Шунингдек, қонун лойиҳасида молиявий назоратни амалга ошириш жараёнида аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини таснифлашда ягона ёндашув таъминланади.

Соҳага оид халқаро тажриба ҳам атрофлича ўрганилади. Европа иттифоқи мамлакатлари, шу жумладан, Франция, Буюк Британия, Нидерландия, бундан ташқари, Канада, Туркия, Россия Федерацияси мамлакатлари қонунчилиги ва тажрибасини эътиборга олиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Давлат молиявий назоратини тартибга солувчи яхлит қонуннинг қабул қилиниши Давлат бюджети ва бошқа молиявий маблағлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланилишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Қонун тўғридан-тўғри ишловчи ягона ҳужжат бўлгани ҳолда, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш имконини ҳам яратади.

**Мунисхон КАРИМОВА.**

# Сув ресурсларидан ноқонуний фойдаланган жазоланади

1 ➡

Бинобарин, бугун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдек ҳаётий масала ечими ҳам айнан сув билан боғлиқ. Артезиан қудуқларининг рухсатсиз қурилиши ва сувни назоратсиз олиш оқибатида конлардаги захираларнинг 35 фоиз қисқаришига ҳамда айрим манбаларда обиҳаёт захираларининг тугашига олиб келди. Шу билан бирга, айрим шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши кузатилмоқда.

Шу йилнинг февраль-март ойларида 10 мингдан ортиқ сув қудуқлари бўйича ўтказилган хатлов натижалари салбий омилларнинг ер ости сувлари ҳолатига таъсири ҳали ҳам давом этаётганини кўрсатди. Яқин ўн йиллар мобайнида чучук ер ости сувлари мавжуд ресурсларининг ярмидан кўпини тиклаб бўлмас тарзда йўқотишнинг реал хавфи бор.

Қарорга мувофиқ, 2017 — 2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари дастури қабул қилинди. Унга кўра, рухсат олинмасдан, бироқ техник талабларга риоя этган ҳолда қазилган фойдаланиш қудуқлари тегишли сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан расмийлаштирилиши лозимлиги белгиланди.

Маъмурий жавобгарлик кодексига киритилган ўзгартишлар соҳадаги қоидабузарликлар учун жавобгарликни бир неча баробар кучайтирди. Илгари сув қудуқларини қазишнинг белгиланган қоидаларини ва технологиясини бузган, ишлатилаётган ва кузатув қудуқларини йўқ қилиб юборган ёки шикастлантирган фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир баравариғача жарима солинган бўлса, эндиликда мазкур жарима энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш баравариғача кучайтирилди. Мансабдор шахслар эса беш бараваридан етти баравариғача миқдорда жаримага тортилиши мумкин. Бунгача улар икки баравардан олти бараваргача жаримага тортилар эди. Албатта, бу таъсир чоралари жисмоний шахсларнинг ўз эҳтиёжлари учун, шу жумладан, томорқаларини суғориш учун ер ости сувларини якка тартибда олишга мўлжалланган қудуқларни қазиш ҳолларида қўлланилмайди.

Шу билан бирга, ер ости сувли қатламларидан олинадиган сувдан фойдаланиш, истеъмол қоидалари ва сув олиш лимитларини бузиш, ер ости сувларидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш учун жавобгарлик қатъий белгилаб қўйилди. Бундай ҳуқуқбузарликлар такроран содир этилса, жазо ҳам шунга яраша янада кучайтирилади.

Қонунчиликка киритилган қоидалар ичимлик суви таъминоти тизимини ривожлантириш, пировардида аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш борасида сувдан фойдаланувчи ва истеъмолчилар масъулиятини оширади. Шунинг учун биз, сенаторлар, депутатлар ва жамоатчилик, мутахассислар, масъуллар бирлашиб, одамларнинг сувга муносабатини бугун ўзгартирмасак, мазкур қоидаларни тушунтирмасак, эртага юзага келиши мумкин бўлган яна ҳам каттароқ муаммоларни ҳал этиш қийин бўлади.

Халқона қилиб айтганда, сувнинг ҳам сўроғи бор. Уни қадрлаш ҳар бир инсоннинг қонун ҳамда элу юрт олдидаги мажбурияти, бурчидир.

**Абдимурат БОЗОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

# Автомобиллар нархи ошишига ойдинлик киритилди

1 ➡

— Тан олиш керак, тизимда соғлом рақобат муҳити шакллантирилмагани оқибатида автомобилсозлик монополияга суяниб қолган эди, — дейди Ш. Умурзоқов. — Маҳаллийлаштириш даражаси жуда паст бўлиб, ҳозирги пайтда зарур эҳтиёт қисм ва бутловчи буюмларнинг қарийб 50 фоизи валюта ҳисобига четдан олиб келинмоқда. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз ва бошқа омилларнинг салбий таъсирлари оқибатида тизимда кўплаб муаммолар йиғилиб қолган. Уларни "шок" усулида бартараф этишнинг эса имкони йўқ. Бу борада биз келгуси 5 — 10 йил учун стратегия ишлаб чиққанмиз, унинг самараси 2019 йилдан сезила бошлайди. Яъни нарх борасида ҳам турли чегирмаларни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Бу борада биринчи қадам бутловчи қисмлар таннархини 20 фоиз арзонлаштириш эвазига ташланмоқда.

## Ўзгаришлар аввалги шартномаларга таъсир қилмайди

Ўтган йиллар тажрибасидан маълумки, нарх кўтарилгач, автомобиль баҳосининг катта қисмини тўлаб қўйган харидорлар ҳам олмоқчи бўлган машинасининг янги баҳосидаги фарқни тўлашга мажбур бўлар эди. Бу галчи?

Жамият мутасаддиларининг тушунтиришича, бу сафар бундай йўл тутилмайди. 1 августга қадар шартнома тузган харидорлар автомобилни эски баҳода сотиб оладилар. Яъни янги нарх 85 фоиз тўловни амалга оширганларга нисбатан қўлланилмайди.

Таъкидлаш керакки, халқимизнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган савдо тизими ҳам тубдан ислоҳ қилинади. Хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш, шаффофликни таъминлаш, энг асосийси, коррупциянинг олдини олиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўриляпти. Жумладан, ишлаб чиқариш ва савдо ўртасидаги бўшлиқни тўлдириш, ўзаро алоқаларни ривожлантириш, дилерлик марказларини тўлиқ хусусий секторга бериш масалалари кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, олди-сотди жараёнида инсон омилини минималлаштириш мақсадида онлайн тизим жорий этилаётгани диққатга сазовор.

## Талабга мос моделлар ўзлаштирилади

Таҳлилларга қараганда, кейинги пайтда автомобилга бўлган эҳтиёж 2 баробар, жумладан, "Дамас"га 3 баробар ошган. Шу боис харидоргир моделлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, хусусан, кичик бизнес вакиллари орасида талаб катта бўлган "Дамас" ва "Лабо" русумлари ўрнини босадиган, нисбатан арзон янги моделни ўзлаштириш мўлжалланмоқда.

Бироқ ҳар қандай модель ўзини оқлаши учун йилига 100 мингта ишлаб чиқарилиши ва сотилиши керак. "GM Uzbekistan" заводининг йиллик қуввати 200 мингта эканлиги-ю, ҳали амалда ушбу кўрсаткичга чиқилмаганлиги олдинда бажарилиши лозим бўлган ишлар бир талайлигидан далолат беради. Шунинг учун ишлаб чиқариш суръатини ошириб 220 мингтага етказиш, янги бозорларни ўзлаштириш юзасидан амалий саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди.

## Ўз машинамизга эга бўламиз

Гарчи автомобилсозликни аллақачон ўзлаштирган бўлсак-да, ҳамон ўз машинамизга эга эмасмиз. Интеллектуал мулкимиз йўқ. Ишлаб чиқариш хориждан келтирилган тайёр қолип асосига қурилган. Сабаби саноат истиқболининг гарови бўлган автомуҳандислик эътибордан четда қолиб кетган.

"Ўзавтосаноат" акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг қайд этишича, эндиликда олинадиган даромаднинг катта қисми автомуҳандислик ривожига йўналтирилади. Ёш мутахассисларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети билан ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда.

— Янги ўқув йилидан бошлаб мутахассислик фанлари икки баробар кўпайтирилади, — дейди мазкур университет ректори Қўнғиротбой Шарипов. — Таълим амалиёт билан уйғунликда олиб борилади. Инновация марказимиз томонидан эса ўз автомобилимизни яратиш ишлари жонлантирилади. Айни пайтда "Спарк" моделини электромобилга айлантириш ишлари якунига етказилаётган бўлса, 2030 йилда бутунлай янги модель яратиш кўзда тутилган.



Автомобилсозлик саноатида 22 йил давомида йиғилиб қолган муаммоларни нарх-навони оширмасдан, масалан, четдан қарз олиш эвазига юмшатиш мумкинми? Журналистлар томонидан берилган ушбу саволга мутасаддиларнинг жавоби қуйидагича бўлди: "Бу усул касалликни даволамайди, ҳароратни тушириши мумкин холос. Шунинг учун иқтисодий танг аҳволга келиб қолган тармоқни қўлдан бой бермаслик учун энг мақбул йўллар излаб топиляпти. Бу эса бир йил ичида тизимни бутунлай ўнглаб олиш имконини беради".

Демак, ўзгаришларга умид боғлаб, унинг самараларини кутамиз.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Халқаро Пресс-клуб сурати.



# Аҳолини ўйлантираётган муаммолар бартараф этилди

1 ➡

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан "Обод маҳалла" дастури доирасида ушбу маҳаллада кенг кўламли ободонлаштириш ҳамда бунёдкорлик юмушлари бажарилди. Жумладан, барча қулайликка эга бўлган 9 та болалар майдончаси, 2 та спорт майдончаси, кексалар учун "Нуронийлар маскани" барпо этилди. Кўчалар асфальтланди, дарахтларга шакл берилди, кўп қаватли уйлар атрофида эса қулай ўриндиқлар ва соябонли дам олиш жойлари барпо қилинди.

Мазкур иншоотларни фойдаланишга топшириш маросимига бағишлаб ўтказилган тадбирда ана шулар хусусида атрофлича маълумот берилди.

— Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳамда бунёдкорлик ишлари бизни ушбу ташаббусга етаклади, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Махмадалиев. — Кўп қаватли уйлар ён-атрофида замонавий ҳордиқ айвончалари, 180 га яқин ўриндиқ ва кўплаб чиқинди қутилари ўрнатилди. Айни чоғда ҳудуддаги аҳоли эҳтиёжлари атрофлича ўрганиб чиқилди. Ҳозирги пайтда уларга зарур ёрдамлар кўрсатилмоқда.

— Доим шаҳримиздаги бошқа обод маҳаллаларга ҳавас билан қарардик, — дейди Н. Давидова. — Қисқа вақт ичида маҳалламиз кўркам қиёфага эга бўлди. Бундан жуда мамнунмиз.

Тадбир доирасида 17 кам таъминланган оилага маиший техникалар ҳадя қилинди, 5 кишига касаба уюшмалари тасарруфидаги санаторийларга, 3 та кам таъминланган оила фарзандларига оромгоҳларга йўлланмалар берилди. Шунингдек, тиббий ёрдамга муҳтож 13 нафар фуқарога ногиронлик аравачаси, зарур дори-дармон ҳамда протез-ортопедик воситалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Худойбергенов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Қ. Рафиқов иштирок этди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## Фахр

# Муваффақият эстафетаси

*Словакиянинг Братислава шаҳрида ҳамда Чехия пойтахти Прагада кимё-биология фанлари бўйича ўқувчилар ўртасида 50-жаҳон олимпиадаси ўтказилди.*

80 давлатдан 300 нафардан ортиқ ўғил-қизлар иштирок этган мазкур мусобақада мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари — Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчилари 2 та бронза медални қўлга киритди.

Айтиш жоизки, ушбу лицей вакиллари ўтган йиллар давомида жаҳон фан олимпиадаларида 2 та олтин, 2 та кумуш, 6 та бронза ҳамда Халқаро Менделеев олимпиадасида 3 та олтин, 9 та кумуш ва 19 бронза медалга сазовор бўлишган.

**Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ.**

Памела СПРАТЛЕН:

# «Мени очиқ чеҳра ва табассум билан кутиб оладиган ўзбек халқидан чексиз миннатдорман»

1 ➡

Мен Тошкентда иш бошлаганимга уч ярим йил бўлди. Бу — яқин муддат ичида ўрнимга кимдир келиши керак дегани. Бу менга боғлиқ эмас. Номзод танланади, уни Конгресс кўриб чиқади. Ҳар қандай давлатга элчи шундай тайинланади. Янги элчи келганида одамлар, албатта, хурсанд бўлади. Унгача эса самолётга чиқиб, Ватанимга қайтгунимга қадар, АҚШ — Ўзбекистон алоқалари ва халқларимиз равнақи учун хизмат қилишда давом этаман.

***— Сиз аёл дипломатсиз, бундайлар кам. Афро-америкалик элчисиз, улар ҳам жуда кам. Сизни унутиш қийин бўлади. Сизни қандай эслашларини хоҳлар эдингиз?***

— Аввало, Ўзбекистон аҳлига айтадиган гапларим бор. Сизлардан чексиз миннатдорман. Мени кенг қучоқ очиб кутиб олдингиз. Биринчи дақиқаларданоқ олқишладингиз. Давлатга киришим билан 48 соат ичида ташқи ишлар вазири ишонч ёрлиғи нусхасини қабул қилди. Орадан 10 кун ўтмай ишонч ёрлиғимни Биринчи Президент Ислом Каримов қабул қилди. Қаерга бормай, одамлар мени жуда илиқ қаршилайди. Ўзбекистоннинг таниқли жойлари — Самарқанд, Бухоро ва Хива ёки Фарғона водийсидаги Мингтепа деган жой бўлсин, Термизми, қаерга қадам қўймай, Ўзбекистон халқи мени очиқ чеҳра ва табассум билан кутиб олади. Элчи сифатида бу эҳтиром ва имконият — мен учун бебаҳо.



Элчилик давримда янгича ҳамкорлик йўлини очдик. Шундай шериклик имконияти яратилди. Мевасини кўраверамиз. Ёшлар билан мароқ билан ишладим. Уларнинг орзулари, келажак ҳақидаги ўйларидан илҳом олдим. Бу билан фахрланаман.

Барча ҳамкасбларимдан жуда миннатдорман. Улар менга ишонди, таянди. Ришталаримиз муваффақияти, ҳамкорликдаги ҳар қандай ютуқ кўплаб одамларнинг қаттиқ меҳнати маҳсулидир, фақат меники эмас.

АҚШдек давлатнинг дипломати бўлиш — бир бахт. Умидим шуки, шундай карьера қилиш имконияти Ўзбекистон ёшларига ҳам насиб этсин.

Ўзбекистондек ажойиб мамлакат тарихининг шу даврида ўзига хос роль ўйнай олганимиз учун беҳад шодман. Албатта, АҚШ учун ҳам муҳим бир давр бу. Ҳамкорликнинг асоси барпо этилди, энди уни кўтариш керак. Ўрнимга келган одамнинг иши шу бўлади.

Менинг назаримда, Ўзбекистоннинг ҳозирги раҳбари дунёга янгича кўз билан қараётгани айни муддао. 2016 йилда буни ҳеч ким тасаввур қилмаган эди. Тошкент, Хива ва Ўзбекистоннинг бошқа қисмларидан жаҳонга янгича нигоҳ билан боқишмоқда. Чунки Президент шу томонга етаклаяпти. Унинг ёнида оптимист одамлар бор. Улар Америка билан ришталар яхшиланишига ҳамиша ишонган ва узоқни кўзлаб ҳаракат қилган.

***— Мамлакат ҳаётига янги авлод кириб келмоқда. Янги чеҳралар, янги арбоблар.***

— Шундай. Мен уларга муваффақият тилайман. Янгича ғайрат ва иштиёқни кўриб жуда хурсандман. Президент Мирзиёев бошчилигида Вашингтонга келган делегация таркибида шундайларни кўрдим. Катта тажрибага эгалар ҳам, янги келганлар ҳам бор. Бир-бирлари билан яқиндан ишлашмоқда, бир-бирларидан ўрганишмоқда. Президентларимиз эришган келишувни шу инсонлар амалга оширади.

***— Президент Шавкат Мирзиёевнинг май ойидаги ташрифини тарихий деб баҳоладингиз. Нима учун?***

— Ўзбекистон — узоқ тарихга эга диёр. Алоқа ўрнатганимизга 27 йил бўляпти. Лекин биз ҳозир янги Ўзбекистон билан ишлаяпмиз. Бунга май ойида гувоҳ бўлдик. Бу — ҳақиқатда тарихий воқеа. Чунки Президент Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонга илк ташрифи. Кўриб чиқилган масалалар, имзоланган келишувлар, делегация ҳажми, Вашингтон уни қандай кутиб олгани — ҳаммаси янги, мисли кўрилмаган даражада ўтди. Ўзбекистонда уч ярим йилдан бери ишлаётган элчи сифатида 2015 йилнинг бошида Тошкентга келганимда, бундай ўзгаришлар бўлишини умуман тасаввур қилмаган эдим. Янгиликлар одамни хурсанд қилади.

Икки давлат компаниялари янги имкониятлар очишга интилмоқда. Инглиз тили машғулотлари бўйича илғор дастурлар ҳақида гап кетяпти. Олий таълим хусусида муҳим мулоқот давом этяпти. Хавфсизлик бобида янгича ҳамкорлик... Буларнинг ҳаммасига замонавий ёндашиб, янгича қараб, аниқ мақсадлар сари қадам қўйиш устида келишиб олдик. 2016 йилда бошланган мулоқот асталик билан бизни мана шундай йирик келишувга етаклади. Томонлар бир-бирини яқиндан танимоқда, ришталар ўрнатилмоқда, фикрлар алмашилмоқда. Президент Мирзиёевнинг ташрифи — улкан бурилиш. Қўшма баёнот эса янги даврнинг бошланишидир.

Аввал бунчалик ғайрат ва хоҳиш бўлмагандир. Бироқ ҳозирги ҳаракатларимиз ишончга асосланган. Гап фақат АҚШда эмас. Шавкат Мирзиёев қўшнилар билан ҳам яқиндан ишламоқчи. Реал ҳамкорликка интилмоқда.

***— Элчи хоним, бу ташрифларни ташкиллаштириш нозик иш. Ўзбекистон ҳукумати билан ишлаш ҳозир қандай? Маъмуриятлараро алоқа ҳақида сўраяпман. Ислоҳотлар, аввало, ҳукуматнинг фаолиятини яхшилаши керак. Кўплаб ўзбекистонликлар учун шу қизиқ: ҳукуматимиз ҳозир қандай ишлайди? Бу борада нима ўзгарди, масалан, раҳбариятда?***

— Тўғри. Бугун Ўзбекистон ҳукумати очиқроқ. Ўзбекистон аҳли ва АҚШ элчихонаси ҳукумат тизимлари очилаётганини бирдек ҳис этмоқда, назаримда. Олдинлари одамлар муаммосига ечим излашга қийналар эди. Пенсиясини ололмай, уйини исита олмай азобда эди. Виртуал қабулхона очилганида ва улар мамлакат бўйлаб қанот ёзганида халқ жуда қувонди. Ҳукумат уларнинг дардини эшита бошлади.

Дипломатик жиҳатдан ҳам шунга гувоҳ бўлдик. Олдин ҳукумат билан бирор масалада гаплашмоқчи бўлсак, расман хат ёзиб, илтимос қилар эдик. Жавобини кутиб ўтирардик. Албатта, уларнинг архиви бўлгани яхши. Ҳар бир алоқани хатлаб борар эдик. Лекин вақтни бой берардик. Гаплашиш қийин эди. Мулоқот йўлида тўсиқлар бор эди. Ҳозир эса телефон қиламиз ва бемалол гаплашамиз. Электрон хатлар алмашамиз.

***— Телефон қилганингизда бошқача қабул қилишмайдими?***

— Йўқ, йўқ. Улар ўзлари ҳозир менга телефон қилишади. Масалан, молия вазири қўнғироқ қилади ёки ташқи савдо вазири билан гаплашаман. Тизим очиляпти, бу алоқа нормаллашиб, табиий бир шаклга кирди деганидир. Жанубий ва Марказий Осиё бўйича бош дипломатимиз Элис Уэллс шу йил бошида Ўзбекистонга келганида мазкур масалани кўтарган эди. Ўзгаришларни кўра бошладик. Ўзбекистон халқи ҳис қилаётганидек, биз ҳам ҳукумат очилаётганини кўряпмиз.

Бу — фаолият такомиллашиб, самарадорлик ошишидан далолат. Фақатгина ҳужжатлар орқали гаплашмай, масалаларни бемалол муҳокама қилишнинг таъсири кучли вужудга келяпти. Шунинг ўзи реал мулоқот. Мен учун бу ҳукуматдаги улкан янгилик.

Ташрифни ташкиллаштириш, айтганингиздек, жуда нозик иш ва уни ҳамма ҳам эплай олмайди. Ўзбекистон томони ҳам, менинг жамоам ҳам қаттиқ ишлади. Транспорт масаласидан тортиб, катта делегацияга виза беришгача бўлган жараён. Хуллас, ҳаммаси ўз вақтида ва пухта бажарилди. Ҳар бир ходимга катта масъулият юкланган эди. Бунда дипломатларимиз ўз ҳиссасини қўшди. Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонаси, АҚШнинг Тошкентдаги элчихонаси, ҳар иккиси ҳам ўта муҳим идоралар эканини исботлади.

Ишончим комилки, АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар бундан кейин ҳам изчил ривожланиб боради.

***— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.***

**Шарҳ**

*2018 йил 29 июнь нафақат солиқ тизими, балки бутун мамлакат ҳаётида сўнгги йиллардаги энг муҳим воқеалардан бири бўлди. Айнан шу куни Президент Шавкат Мирзиёев "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги тарихий Фармонга имзо чекди. Ушбу ҳужжат оддий фуқаролар даромадида, иш билан банд бўлишига кўрсатадиган кучли таъсири орқали уларнинг турмуш тарзида бевосита акс этиши билан аҳамиятли. Қолаверса, кичик бизнесни республика иқтисодиётининг реал сектори учун том маънодаги таянчга айлантириб юбориши, давлат учун эса йиллар давомида эскирган ва мамлакат тараққиётига ҳар тарафдан тўғаноқ бўлаётган мураккаб ва оғир солиқ тизимини тубдан янгилаш сари йўл очиб бериши боис ҳам тарихийдир.*

*Бир йиллик меҳнат самараси, юзлаб баҳс-мунозаралар, маслаҳатлашувлар, ўрганиш ва тадқиқотлар натижаси бўлмиш ушбу ҳужжатнинг чиндан ҳам "бошқачароқ" эканлиги уни ишлаб чиқиш жараёнидаёқ маълум бўлган эди. Муҳим иқтисодий-молиявий органлар бир ёқадан бош чиқариб концепцияни тайёрлашга киришди. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардан машҳур экспертлар таклиф этилиб, муҳокамаларга бизнесда муваффақият қозонган бир қанча тадбиркорлар жалб қилинди. Кенг жамоатчилик ва тадбиркорлардан келиб тушган 800 га яқин таклиф ва мулоҳазалар, "Facebook", "Telegram" сингари ижтимоий тармоқларда билдирилган минглаб фикрлар ўрганилди. Ва табиийки, буларнинг барчаси миллий солиқ сиёсатимиз мисли кўрилмаган ўзгаришлар даврига яқинлашаётганидан далолат берарди.*



# Солиқ концепцияси: ФУҚАРОГА, БИЗНЕСГА, ЖАМИЯТГА НИМА БЕРАДИ?

**Эксперт фикри**

**Давид ШАУЛОВ,**
**Иқтисодиёт вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари:**

*— Солиқ концепцияси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида умумхалқ муҳокамасига қўйилгач, бутун мамлакатимиз бўйлаб қизғин муҳокамалар бўлиб ўтди. Ҳужжат бир неча ой давомида ТВ, радио, газеталарда, интернетда кенг муҳокама қилинди. Парламент қўмиталари ҳамда ҳукуматнинг солиқ тизимига алоқадор иқтисодиёт ва молия органлари томонидан жойларда махсус учрашувлар, баҳс-мунозаралар ташкил этилди. Лойиҳани ишлаб чиқиш, республика иқтисодиётидаги реал ҳолатни холис баҳолаш ва таҳлил қилишда иккита халқаро миссия фаол кўмаклашди. Булар Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки мутахассисларидир.*

*Халқ билан мулоқот, тадбиркорлар иштирокидаги мунозаралар чоғида олинган фикр ва таклифларнинг кўпчилигида, аввало, солиқ сиёсатининг барқарор бўлиши, ҳар йили кутилмаганда эълон қилинадиган турли қарорлар туфайли ўзгариб кетмайдиган, адолатли, тушунарли, энг муҳими, мувозанат сақланган солиқ тизимини шакллантириш масаласи кўтарилди.*

Хўш, бу концепциянинг сизу биз, тадбиркорлар, савдогарлар ва ишлаб чиқарувчилар, Давлат бюджети, умуман олганда, Ватан тараққиётида нечоғлик ўрни бор? Қандай ўзгаришлар юз бердики, ушбу ҳужжат "оламшумул ислоҳот" дея таърифланмоқда? Бу ислоҳотларни муваффақиятли рўёбга чиқариш ва кўзланган мақсадларга эришиш учун нималар қилмоғимиз керак? Келинг, шу саволларга жавоб излашга ҳаракат қилайлик.

## Одамларнинг даромади

"Бу дунёда ақл бовар қилмайдиган энг қийин тушунча — солиқ шкаласидир", деган эди замонавий физика асосчиларидан бири Альберт Эйнштейн бундан бир аср аввал. Ҳа, айнан шундай. Мамлакатимизда жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ тартиби мураккаблашиб, таъбир жоиз бўлса, ўша нисбийлик назариясини ишлаб чиққан олимнинг ҳам тафаккури етмайдиган шаклга келиб қолганди.

Маошингиз энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача бўлса 7,5 фоиз, беш бараваридан ўн бараваригача оралиғида 16,5 фоиз, ундан юқори миқдорда ойлик олсангиз, 22,5 фоиз солиқ ушланар, бу солиқлар миқдорининг ўзи ҳам ўсиб борувчи шкала бўйича кишини чалкаштириб юборадиган даражада мураккаблашиб кетарди. Қўшимчасига, иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси учун 8 фоизлик мажбурий суғурта тўлови ундириларди.

Ҳозиргача амалда бўлган тартибга кўра, иш ҳақидан олинадиган солиқ юкининг каттагина қисми иш берувчилар — хусусий бизнес, кичик корхоналар, тадбиркорлар зиммасига ҳам тушади. Дейлик, ходимга ёзилган 1 миллион сўм ойлик маошдан 300 — 450 минг сўмгача миқдорда солиқ олинади. Оқибатда ҳаддан зиёд оғир солиқ юки иш берувчиларни янги иш ўринларини яратишдан ҳам, мавжуд ходимларга, ўзи истаганидек, катта миқдорда маош тўлашдан ҳам қайтармоқда. Улар бу тўловлардан қочиш мақсадида маошни "конвертда", нақд тўлаш, реал ходимлар сонини яшириш, ўз корхонасининг асосий фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлмаган, хусусан, тозалаш, ахборот технологиялари, қўриқлаш, логистика, маркетинг сингари йўналишларни шартнома асосида аутсорсинг хизматларига бериб юбориш йўлига ўтдилар.

Аҳвол шу даражага етдики, 13 миллиондан зиёд меҳнатга яроқли аҳолиси бор республикамизда иш ҳақидан қонуний солиқ тўлайдиганлар сони 4,6 миллионни ташкил қилмоқда. Пул топиб, оила боқаётган, бироқ ҳеч қаерда расмий ишламаётган қолган миллионлаб юртдошларимиз эса ана шундай яширин иқтисодиёт соясида қолиб кетган. Улар касаба уюшмалари муҳофазасидан фойдаланолмайди, ипотека кредити ололмайди, келажакда пенсияга эга бўлмайди, меҳнат қонунчилигидаги имтиёзлар бу ходимларга дахл қилмайди. Энг ёмони, олинмаган солиқ кўринишида Давлат бюджетига ҳам миллиардлаб сўм зарар етмоқда.

Янги Солиқ концепциясига кўра, энди вазият тубдан ўзгарди: солиқ юки кескин камайтирилиб, содда, шаффоф, муҳими, иш берувчи учун ҳам, ишловчи учун ҳам бирдек адолатли ставка белгиланди.

**ИШ ҲАҚИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ: АВВАЛ ВА КЕЙИН**

**Олий таълим муассасаси профессори. Ўртача ойлик маоши 4 млн. 844 минг сўм**

| Амалдаги тартиб: | Концепция бўйича: |
|---|---|
| 1. Даромад солиғи – 882,6 минг сўм | 1. Даромад солиғи – 581,3 минг сўм |
| 2. Суғурта бадали – 387,5 минг сўм | 2. Суғурта бадали – 0 сўм |
| Қўлига тегадиган пул – **3 млн. 573,9 минг сўм.** | Қўлига тегадиган пул – **4 млн. 262,7 минг сўм.** |

**IT-дастурчиси. Ўртача ойлик маоши 7 млн. сўм.**

| Амалдаги тартиб: | Амалдаги тартиб: |
|---|---|
| 1. Даромад солиғи – 1млн. 367,7 минг сўм | 1. Даромад солиғи – 840 минг сўм |
| 2. Суғурта бадали – 560 минг сўм | 2. Суғурта бадали – 0 сўм |
| Қўлига тегадиган пул – **5 млн. 72,3 минг сўм.** | Қўлига тегадиган пул – **6 млн. 160 минг сўм.** |

**Корхона ишчиси. Ўртача ойлик маоши 1 млн. 350 минг сўм.**

| Амалдаги тартиб: | Амалдаги тартиб: |
|---|---|
| 1. Даромад солиғи – 125,9 минг сўм | 1. Даромад солиғи – 162 минг сўм |
| 2. Суғурта бадали – 108 минг сўм | 2. Суғурта бадали – 0 сўм |
| Қўлига тегадиган пул – **1 млн. 116 минг сўм.** | Қўлига тегадиган пул – **1 млн. 188 минг сўм.** |

**Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.*

**Эксперт фикри**

**Аҳмаджон СУЮНОВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи:**

*— Янги Солиқ концепциясида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича ягона — 12 фоизлик ставка белгиланди, ҳолбуки, жаҳон бўйича ушбу солиқнинг ўртача даражаси 20 фоизга тенг. Даромад солиғининг бундай соддалаштирилган тартиби иқтисодиёти ривожланаётган, кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилаётган бизнинг каби давлатлар учун энг мақбул вариантдир. Биргина мисол, 2001 йили Россия солиқ тизимининг прогрессив шкала тартибидан соддалаштирилган даромад солиғи тартибига ўтиши бир йилдаёқ катта муваффақият келтирди ва меҳнат фондидан олинадиган солиқ базасини 50 фоиз оширди.*

*Яна бир жиҳат. Амалдаги кодексда солиқ ставкалари аниқ белгиланмагани сабабли қонуности ҳужжатлари орқали тартибсиз равишда амалга киритилган имтиёзларда чалкашликлар мавжуд. Шундай енгилликлар ёрдамида бир ходимнинг даромад солиғи баъзан 5 фоизгача камайса, ундан кам меҳнат қилмайдиган бошқа бир соҳа вакили 18 — 20 фоиз солиқ тўламоқда. Концепцияда белгилаб қўйилганидек, тамомила янгича мазмунда ишлаб чиқилаётган Солиқ кодексида ходимлар учун кўзда тутилган турли-туман, гоҳида бир-бирига зид имтиёзлар ҳам тартибга келтирилади.*

**«Халқ сўзи» сўровномаси**

**Иш жойингизда маошингиздан даромад солиғи қанча миқдорда ва қандай ҳисоб-китобларга кўра олинишини биласизми?**

- ✓ Йўқ. Бу ҳисоб-китоблар жуда чалкаш ва мураккаб — 68 фоиз
- ✓ Ҳа, буни аниқ биламан. Ҳисоблаб чиққанман — 29 фоиз
- ✓ Менга бунинг қизиғи йўқ. Муҳими, қўлимга тегиши — 3 фоиз

** Сўровнома "Facebook", "Telegram" ижтимоий тармоқларида ўтказилди. Жами овозлар сони 343 та.*

## Тадбиркорнинг манфаати

Энг кўп янгиликлар айнан хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес фаолияти мисолида кўзга ташланадиган бўлди. Концепциядан кўзланган бош мақсад ҳам, аслида, бизнесга тушаётган солиқ юкини кескин камайтириш орқали мамлакатда ишлаб чиқариш ва инвестициявий муҳитни ривожлантириш, пировардида давлатнинг солиқ базасини кенгайтиришдир. Бу ерда асосий урғу кичик ва йирик корхоналар учун бирдек адолатли солиқ тизимини яратиш, улар ўртасидаги номутаносибликни бартараф этишга қаратилади. Ҳозир бизда хусусий тадбиркорлар учун икки хил солиқ тартиби амал қилмоқда: солиқ тўлашнинг умумбелгиланган тартиби ва соддалаштирилган тартиб. Бироқ ўта баланд ставкалар ва мураккабликлар боис юртимизда фаолият кўрсатаётган 351 минг солиқ тўловчининг 2,7 фоизигина умумий, яъни кўпчиликка мўлжалланган солиқ тартибида ишлайди, 97 фоизи эса соддалаштирилган тартибда солиқ тўламоқда.

Аслида, сартарошхона, дўконча, устахона сингари кичкина субъектлар учун мўлжалланган бу содда тартиб сўнгги 10 — 15 йил мобайнида ўзига хос "имтиёз" кўринишини олиб, ўша 2,7 фоиз солиқ тўловчидан тушаётган маблағ қолган 97 фоиз корхоналар тўлаётган солиқдан икки ярим баравар кўпайиб кетди. Корхоналарнинг йириклашишга интилмаслиги, ҳисоб рақамида миллиардлаб маблағи бўла туриб, "микробизнес" шаклида юравериши ана шундай соғлом ақлга зид ҳолатни вужудга келтирди.

Энди янги Солиқ концепциясига биноан, хусусий корхоналарга аввалгидек ходимлар сонига қараб эмас, балки йиллик айланма маблағига асосан солиқ тартиби қўлланади. Яъни айланма маблағи 1 миллиард сўмдан паст субъектлар (бунга айнан юқорида айтиб ўтилган микробизнес вакиллари киради) ягона солиқ тўлаш тартибида қолади, унинг ставкаси эса 5 фоиздан 4 фоизга туширилади. Қолганлар умумий ўрнатилган тартибда солиқ тўлайди.

Концепцияда тадбиркорлик субъектлари учун кўплаб енгилликлар кўзда тутилмоқда. Уларнинг энг муҳимларини кўриб чиқсак:

● **Мажбурий тўловлар бекор қилинди.** Хусусий корхоналарнинг йиллик айланма маблағидан 3,2 фоиз миқдорида давлат мақсадли фондларига ўтказиладиган мажбурий тўловлар тадбиркорлар гарданидаги жуда катта юк бўлиб турган эди. Чунки улар фойда қиладими-йўқми, йил охирига бориб катта суммага айланиб кетадиган ушбу солиқни тўлашга мажбур эдилар. Иқтисодиёт вазирлигининг таҳлилларига кўра, бу тўловлар тадбиркорлар даромадининг ўртача 20 фоизини "еб қўярди".

● **Даромад солиғи пасайтирилди.** Юридик шахслар учун ставка 14 дан 12 фоизга, тижорат банклари учун эса 22 дан 20 фоизга туширилди. Республика Молия вазирлиги маълумотларига қараганда, ушбу енгиллик тадбиркорлар ва банкларга 249 миллиард сўмни тежаш имконини беради. Умуман, 2019 йил 1 январдан кучга кирадиган янги ставкалар ҳисобига бизнес зиммасига тушаётган солиқ юки 5 триллион сўмдан зиёд миқдорда камаяди.

● **Дивидендлардан олинадиган солиқ** 10 фоиздан 5 фоизга туширилиб, ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон жаҳондаги энг паст солиқ ставкага эга бўлган давлатлардан бирига айланади. Бу қарордан кўзланган мақсад тадбиркорларни бўш турган маблағларни омонатларга қўйишга рағбатлантириш, мамлакатда фонд бозорини ривожлантиришдир.

● **Мулк солиғи** 5 фоиздан 2 фоизга туширилди. Бироқ энди катта майдонларга эгалик қилиб, ундан фойдаланмаётган ёки кўп миқдорда сув ишлатувчи субъектлар ҳам ушбу солиқни тўлайдиган бўлди.

**Тадбиркор фикри**

**Нодирбек РАҲИМОВ,**
**"Нодиршоҳ қурилиш" хусусий корхонаси раҳбари (Наманган вилояти):**

*— Янги концепция туфайли юз берадиган ўзгаришлар ичида ходимлар маошидан олинадиган солиқларнинг камайгани биз учун ҳақиқий совға бўлди, дея оламан. Корхонамиз қурилиш, таъмирлаш ишлари билан шуғулланади. Ҳозир вилоятимизда улкан ободончилик ишлари амалга оширилаётгани боис боғчалар, кўп қаватли уйларни таъмирлаш бўйича буюртмалар кўпайган. Турли ихтисосликдаги 28 нафар қурувчимиз бор. Аммо йирик объектлардан буюртма бўлса, кучимиз етмай қолади, албатта. Қўшимча ходимни ишга олиш учун эса солиқлар юки баландлик қилади. Ўзингиз ўйланг, масалан, битта пайвандчини ёллаб, унга 1 миллион сўм маош тўлаш учун корхона ҳисоб рақамидан камида 1 ярим миллион сўм пул чиқиб кетади. Пенсия жамғармаси, ягона ижтимоий тўлов, суғурта бадаллари деган нарсалар ишчиларни қизиқтирмайди — улар учун қўлига қанча тегиши муҳим.*

*Натижада биз йирик объектларда ишлаш учун бошқа фирмалар билан келишишга, баъзан эса бошни оғритмай, ойликни нақдда беришга мажбур бўлаётгандик. Энди амалга киритиладиган, енгиллаштирилган, муҳими, ҳисоб-китоби аниқ солиқ тартиби билан истаганча ходим ёллашимиз мумкин.*

**Зафар ҲОШИМОВ,**
**korzinka.uz супермаркетлар тармоғи асосчиси:**

*— Янги тизимда санаб ўтиш мумкин бўлган ижобий жиҳатлар кўп ва улар биз — тадбиркорлар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, ягона ижтимоий тўловнинг кескин камайтирилиши, пенсия жамғармаси ва мақсадли жамғармаларга йиғимларнинг бекор қилинишини алоҳида таъкидлаган бўлардим. Бутун хусусий секторга ёйилган салбий ҳолат — ҳамманинг ягона солиқ тўловчи бўлишга интилишига чек қўйиш учун амалий чоралар кўрилганини асосий ютуқ деб биламан.*

*Қ ў ш и м ч а қиймат солиғи учун 20 фоиз ставка, фикримча, баланд. Яна бир фикр. Корхонанинг соф фойдасидан солиқ олиш ўрнига, фақат тақсимланган, яъни дивиденд қилиб олинаётган фойдадан солиқ олиш тўғри бўларди. Ҳозирги пайтда иқтисодиётимиздаги асосий муаммо инвестициялар, айниқса, ички сармоядорларнинг фаол эмаслигидир. Бундай шароитда солиқ сиёсати тадбиркорларни инвестиция ҳажмларини ошириш учун рағбатлантириши лозим. Фойда қайта инвестиция қилинадими-йўқми, бир хилда солиққа тортилиши корхона эгасининг даромадни "ечиб" олишга мойиллигини оширади. Бошқача қилиб айтганда, биз истеъмолни кўпроқ солиққа тортиб, инвестициявий фаолият, шу жумладан, фойдани қайтадан сармояга йўналтиришга имкони борича кўпроқ йўл очишимиз лозим.*

## Давлатнинг ишончи

Албатта, бу Концепция — мамлакатимизда солиқ ислоҳотларини бошлаш учун илк катта қадам. У мазкур ислоҳотларнинг бош йўналишларини белгилаб берувчи бир стратегия. Яъни у ҳали тугал, якуний ҳужжат эмас. Фармонда таъкидланганидек, тегишли идоралар, вазирликларнинг масъул шахсларидан иборат махсус комиссия ушбу ўзгаришлар жараёни ва натижаларини чуқур таҳлил қилиб боради, тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар юзасидан доимий таклифлар киритади. Концепцияда белгиланган йўналишлар асосида янги таҳрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқади. Дарвоқе, Концепцияда Давлат бюджети даромадларининг учдан бирини ташкил этувчи қўшимча қиймат солиғини, уни тўловчи база ортиб борар экан, босқичма-босқич пасайтириш белгиланди. Ушбу солиқни ҳисоблаш ва текшириш тартиблари ҳам ахборот технологияларини жорий этган ҳолда тўлиқ электрон шаклга ўтказилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Давлат раҳбарияти биз бирма-бир кўриб чиққан енгилликларга жазм этар экан, катта мақсадларни кўзламоқда. Улар кўп, аммо айримларини яқин истиқболга мўлжалланган аниқ режа сифатида кўрсатиш мумкин:

- ● солиқ тизимини соддалаштириш;
- ● хусусий бизнесга солиқ юкини пасайтириш орқали уларни соядан чиқариш;
- ● инвестициявий фаолликни ошириш;
- ● меҳнат фондидан олинаётган солиқларни кескин камайтириш билан "конвертда ойлик тўлаш" иллатига барҳам бериш;
- ● барча учун адолатли, шаффоф ва мутаносиб солиқ тизимини яратиш.

Бу мақсадларга эришиш учун солиқ тизимида улкан енгилликлар яратилди, ставкалар аввал ҳеч қачон бўлмаган даражада пасайтирилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва шу йил 29 июнда имзоланган ушбу янги Концепция амалга киритилгач, давлат хусусий бизнес ва фуқаролар фойдасига 10 триллион сўмдан зиёд маблағдан воз кечмоқда.

Шубҳасиз, бунақаси ҳали бўлмаган! Даставвал эшитганда барча чўчиган, хорижий экспертлар эса ишонқирамаган сўнгги йиллардаги ўша машҳур йирик ташаббусларни эсланг. Портал ташкил этилиб, бутун халқ билан бевосита мулоқот ўрнатилиши беқарорлик келтириб чиқариши мумкин, деган гаплар бўлди. Амалда эса аксинча, аҳолининг давлатга нисбатан муносабати тубдан ўзгарди. Қўшнилар билан яқин алоқа ўрнатишнинг имкони йўқ, дейилди. Аммо бир йиллик изчил дипломатия бутун минтақа учун ижобий жараёнларни бошлаб берган интеграциялашувга туртки бўлди. Конвертациянинг очилиши жуда хавфли эканлигини таъкидлашди. Лекин олтин-валюта захираларимиз бўшаб қолмади, ҳамма қўрққанидек, доллар нархи "учиб" кетмади, аксинча, сўмимиз қадри барқарор равишда ўсиб бормоқда. Республиканинг инвестициявий жозибадорлиги эса бир неча баробар кучайди.

**10 000 000 000 000 СЎМ**

**БУ МАБЛАҒ ЭВАЗИГА НИМА ҚИЛИШ МУМКИН ЭДИ?**

**7083** та мактабни тўлиқ таъмирлаш

**71831** дона реаномобиль тез тиббий ёрдам сотиб олиш

**26 800** км асфальт йўл қуриш мумкин эди.

**Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.*

## Бизнинг хулоса

Мамлакат раҳбарияти биринчи қадамни қўйган экан, ушбу ислоҳотларга бош қўшиш навбати энди биз, фуқароларга келди. Бу шуни англатадики, ёшлар ўзининг инновацион ғоялари билан иқтисодиётга дадил кириб келиши, яратилаётган имкониятлар, имтиёзлар, енгилликлардан максимал даражада фойдаланиши; ота-оналар ўз фарзандларини изғиринларда қор кураш учун автобусларда олис юртларга ишлашга юбормасдан, уларнинг билимли бўлиб камолга етиши учун ҳаракат қилиши, ёшларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаши; маҳалламизда оқаётган ариққа тиқилиб қолган пластик пакетлар тозаланиши учун "Обод қишлоқ" дастури бизгача етиб келишини кутмай, ўзимиз ҳам жонбозлик кўрсатишимиз; ходимларга ойлик маош тўлаш учун корпоратив пластик картадаги пулни 80 фоиздан нақдлаштириб, қонунни айланиб ўтиш ўрнига, тараққиёт баҳоси бўлган солиқларни виждонан тўлашга кўникишимиз; миллиардлаб маблағлар, кечаю кундуз қилинган меҳнат натижаси бўлмиш электр энергиясини, табиий газни, сувни ўғирламасликка, уни тежашга ўрганишимиз керак. Булар айни пайтда биз қилишимиз мумкин ва лозим бўлган ишларга оддий мисоллардир.

Нафақат солиқ ислоҳотлари, балки юртимиз ҳаётида рўй бераётган улкан ўзгаришлар биз яшаётган замонни шиддатли янгиланишлар даврига айлантирди. Бизнинг ҳолатимизни эркин тадбиркорликни ўз сиёсатининг асоси деб эълон қилган Маргарет Тэтчер ҳокимиятга келган 1979 йилдаги Буюк Британия, солиқларни кескин пасайтириш билан бошланиб, 30 йилда жаҳонга "Корея иқтисодий мўъжизаси"ни тақдим қилган Пак Чжон Хи ташаббуслари, урушдан сўнг вайронага айланган Кунчиқар юртдан 1990 йилга келиб жаҳон бозорини эгаллаган "Made in Japan" брэнди чиқишига сабаб бўлган Хаято Икеду ислоҳотлари даврига қиёслаш мумкин.

Солиқ концепцияси матбуотда эълон қилинган кун бўлиб ўтган Халқаро пресс-клубда чиқиш қилган Ўзбекистон Республикаси молия вазири Жамшид Қўчқоров ислоҳотларга баҳо берар экан, "Ишонаманки, 5 йил, балки 10 — 20 йил ўтиб, докторлик, магистрлик диссертацияларини ёзаётган ёш олимларимиз республика иқтисодиётида чуқур из қолдирган Фармон сифатида бу ҳужжатдан иқтибослар келтирадилар. Бундай ислоҳотлар 100 йилда бир бўлади ёки бўлмайди", деган мазмунда гапирган эди.

Хўш, "Ўзбекистоннинг иқтисодий мўъжизаси" йўлида фидойилик кўрсатишга, ҳар биримиз қўлдан келганча — билимимиз, ҳалоллигимиз, сармоямиз, меҳнатимиз, истеъдодимиз, Ватанга муҳаббатимиз билан давлатга, Президентга кўмакдош бўлишга тайёрмизми? Ҳозир барча ўзига бериши лозим бўлган энг масъулиятли савол ана шу, бизнингча.

**Ботир ҒОФУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

XALQ BANKI

# Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг

## «Қадимий Бухоро» тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяси бўйича 2018 йил 27 июлда Бухоро шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражи

## РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

**«Қадимий Бухоро» тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяси ютуқлар тиражи лотереянинг бир разряди бўйича ўтказилиб, унда 677 984 000 (олти юз етмиш етти миллион тўққиз юз саксон тўрт минг) сўмлик 49 600 та пул-буюм ютуғи ўйналди. Ютуқли лотереялар иккита разряддаги бир хил серия ва билет рақамлари бўйича ютуқли ҳисобланади. Тиражда ўйналган ютуқ фонди суммаси иккита разрядда жами 1 355 968 000 (бир миллиард уч юз эллик беш миллион тўққиз юз олтмиш саккиз минг) сўмлик 99 200 та пул-буюм ютуғни ташкил қилди.**

***Серия ва билет рақами қуйидагича бўлган лотерея билетларига жадвалда қайд этилган пул-буюм ютуқлари чиқди:***

| Т/р | Ютуқ номи | Серия рақами | Билет рақами |
|---|---|---|---|
| 1. | 25 000 сўм | 000001 | 001-200 |
| 2. | 1 000 000 сўм | 000005 | 040*) |
| 3. | 5 000 сўм | 000062 | 001-200 |
| 4. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 000080 | 016*) |
| 5. | 5 000 сўм | 000116 | 001-200 |
| 6. | 5 000 сўм | 000117 | 001-200 |
| 7. | 5 000 сўм | 000121 | 001-200 |
| 8. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 000127 | 169*) |
| 9. | 5 000 сўм | 000179 | 001-200 |
| 10. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 000195 | 186*) |
| 11. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 000203 | 084*) |
| 12. | 5 000 сўм | 000220 | 001-200 |
| 13. | 10 000 сўм | 000244 | 001-200 |
| 14. | 25 000 сўм | 000273 | 001-200 |
| 15. | 500 000 сўм | 000294 | 027*) |
| 16. | 10 000 сўм | 000311 | 001-200 |
| 17. | 500 000 сўм | 000323 | 192*) |
| 18. | 5 000 сўм | 000344 | 001-200 |
| 19. | 5 000 сўм | 000349 | 001-200 |
| 20. | 500 000 сўм | 000352 | 028*) |
| 21. | 10 000 сўм | 000375 | 001-200 |
| 22. | Бухорога йўлланма (2 кишилик) | 000409 | 158*) |
| 23. | 10 000 сўм | 000419 | 001-200 |
| 24. | 5 000 сўм | 000438 | 001-200 |
| 25. | 50 000 сўм | 000464 | 001-200 |
| 26. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 000484 | 055*) |
| 27. | 500 000 сўм | 000488 | 068*) |
| 28. | 25 000 сўм | 000494 | 001-200 |
| 29. | 25 000 сўм | 000505 | 001-200 |
| 30. | 10 000 сўм | 000517 | 001-200 |
| 31. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 000541 | 025*) |
| 32. | 10 000 сўм | 000542 | 001-200 |
| 33. | 10 000 сўм | 000548 | 001-200 |
| 34. | 5 000 сўм | 000565 | 001-200 |
| 35. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 000594 | 181*) |
| 36. | 500 000 сўм | 000605 | 140*) |
| 37. | 5 000 сўм | 000636 | 001-200 |
| 38. | 500 000 сўм | 000685 | 072*) |
| 39. | 5 000 сўм | 000687 | 001-200 |
| 40. | 25 000 сўм | 000698 | 001-200 |
| 41. | 500 000 сўм | 000725 | 032*) |
| 42. | 50 000 сўм | 000734 | 001-200 |
| 43. | 5 000 сўм | 000758 | 001-200 |
| 44. | 5 000 сўм | 000759 | 001-200 |
| 45. | 5 000 сўм | 000780 | 001-200 |
| 46. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 000832 | 183*) |
| 47. | 25 000 сўм | 000860 | 001-200 |
| 48. | 1 000 000 сўм | 000893 | 141*) |
| 49. | 5 000 сўм | 000944 | 001-200 |
| 50. | 5 000 сўм | 000953 | 001-200 |
| 51. | 5 000 сўм | 000969 | 001-200 |
| 52. | 10 000 сўм | 000972 | 001-200 |
| 53. | 5 000 сўм | 001010 | 001-200 |
| 54. | 25 000 сўм | 001042 | 001-200 |
| 55. | 500 000 сўм | 001075 | 046*) |
| 56. | 5 000 сўм | 001096 | 001-200 |
| 57. | 5 000 сўм | 001099 | 001-200 |
| 58. | 25 000 сўм | 001114 | 001-200 |
| 59. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 001115 | 011*) |
| 60. | 500 000 сўм | 001119 | 002*) |
| 61. | 5 000 сўм | 001144 | 001-200 |
| 62. | 10 000 сўм | 001164 | 001-200 |
| 63. | 50 000 сўм | 001177 | 001-200 |
| 64. | 5 000 сўм | 001178 | 001-200 |
| 65. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 001188 | 180*) |
| 66. | 5 000 сўм | 001197 | 001-200 |
| 67. | 5 000 сўм | 001216 | 001-200 |
| 68. | 5 000 сўм | 001221 | 001-200 |
| 69. | 500 000 сўм | 001224 | 131*) |
| 70. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 001240 | 117*) |
| 71. | 500 000 сўм | 001247 | 110*) |
| 72. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 001248 | 116*) |
| 73. | 5 000 сўм | 001254 | 001-200 |
| 74. | 500 000 сўм | 001255 | 046*) |
| 75. | 5 000 000 сўм | 001261 | 123*) |
| 76. | 500 000 сўм | 001282 | 070*) |
| 77. | 5 000 сўм | 001300 | 001-200 |
| 78. | 10 000 сўм | 001369 | 001-200 |
| 79. | 10 000 сўм | 001381 | 001-200 |
| 80. | 5 000 сўм | 001390 | 001-200 |
| 81. | 5 000 сўм | 001414 | 001-200 |
| 82. | 5 000 сўм | 001420 | 001-200 |
| 83. | 500 000 сўм | 001434 | 197*) |
| 84. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 001441 | 014*) |
| 85. | 5 000 сўм | 001489 | 001-200 |
| 86. | 5 000 сўм | 001491 | 001-200 |
| 87. | 10 000 сўм | 001492 | 001-200 |
| 88. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 001500 | 197*) |
| 89. | 500 000 сўм | 001539 | 188*) |
| 90. | 10 000 сўм | 001561 | 001-200 |
| 91. | 50 000 сўм | 001598 | 001-200 |
| 92. | 500 000 сўм | 001607 | 110*) |
| 93. | 500 000 сўм | 001669 | 177*) |
| 94. | 25 000 сўм | 001696 | 001-200 |
| 95. | 10 000 сўм | 001749 | 001-200 |
| 96. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 001762 | 029*) |
| 97. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 001768 | 069*) |
| 98. | 25 000 сўм | 001774 | 001-200 |
| 99. | 1 000 000 сўм | 001775 | 076*) |
| 100. | 10 000 сўм | 001776 | 001-200 |
| 101. | 500 000 сўм | 001781 | 063*) |
| 102. | 5 000 сўм | 001800 | 001-200 |
| 103. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 001811 | 173*) |
| 104. | 5 000 сўм | 001813 | 001-200 |
| 105. | 500 000 сўм | 001826 | 025*) |
| 106. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 001836 | 194*) |
| 107. | 25 000 сўм | 001840 | 001-200 |
| 108. | Бухорога йўлланма (2 кишилик) | 001845 | 045*) |
| 109. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 001849 | 072*) |
| 110. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 001880 | 107*) |
| 111. | 5 000 сўм | 001902 | 001-200 |
| 112. | 10 000 сўм | 001903 | 001-200 |
| 113. | 50 000 сўм | 001932 | 001-200 |
| 114. | 5 000 сўм | 001958 | 001-200 |
| 115. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 002016 | 162*) |
| 116. | 5 000 сўм | 002039 | 001-200 |
| 117. | 500 000 сўм | 002041 | 192*) |
| 118. | 500 000 сўм | 002070 | 176*) |
| 119. | «Nexia-3» автомобили | 002121 | 069*) |
| 120. | «Spark» автомобили | 002128 | 033*) |
| 121. | 500 000 сўм | 002149 | 122*) |
| 122. | 500 000 сўм | 002251 | 166*) |
| 123. | 10 000 сўм | 002260 | 001-200 |
| 124. | 10 000 сўм | 002261 | 001-200 |
| 125. | 50 000 сўм | 002263 | 001-200 |
| 126. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 002265 | 140*) |
| 127. | 500 000 сўм | 002276 | 068*) |
| 128. | 500 000 сўм | 002286 | 193*) |
| 129. | 500 000 сўм | 002292 | 163*) |
| 130. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 002300 | 085*) |
| 131. | Бухорога йўлланма (2 кишилик) | 002341 | 009*) |
| 132. | 500 000 сўм | 002359 | 048*) |
| 133. | 5 000 сўм | 002376 | 001-200 |
| 134. | Бухорога йўлланма (2 кишилик) | 002382 | 032*) |
| 135. | 1 000 000 сўм | 002394 | 083*) |
| 136. | 500 000 сўм | 002413 | 024*) |
| 137. | 10 000 сўм | 002426 | 001-200 |
| 138. | 5 000 сўм | 002431 | 001-200 |
| 139. | 500 000 сўм | 002439 | 163*) |
| 140. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 002444 | 176*) |
| 141. | 5 000 сўм | 002445 | 001-200 |
| 142. | 5 000 сўм | 002455 | 001-200 |
| 143. | 5 000 сўм | 002458 | 001-200 |
| 144. | 5 000 сўм | 002470 | 001-200 |
| 145. | 5 000 сўм | 002503 | 001-200 |
| 146. | 10 000 сўм | 002507 | 001-200 |
| 147. | 500 000 сўм | 002518 | 099*) |
| 148. | 500 000 сўм | 002529 | 181*) |
| 149. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 002546 | 151*) |
| 150. | 10 000 сўм | 002571 | 001-200 |
| 151. | 10 000 сўм | 002576 | 001-200 |
| 152. | 5 000 сўм | 002581 | 001-200 |
| 153. | 500 000 сўм | 002588 | 153*) |
| 154. | 5 000 сўм | 002591 | 001-200 |
| 155. | 500 000 сўм | 002616 | 157*) |
| 156. | 500 000 сўм | 002622 | 119*) |
| 157. | 5 000 сўм | 002661 | 001-200 |
| 158. | 5 000 сўм | 002664 | 001-200 |
| 159. | 5 000 сўм | 002713 | 001-200 |
| 160. | 10 000 сўм | 002733 | 001-200 |
| 161. | 5 000 сўм | 002746 | 001-200 |
| 162. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 002758 | 003*) |
| 163. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 002773 | 053*) |
| 164. | 500 000 сўм | 002775 | 005*) |
| 165. | Бухорога йўлланма (2 кишилик) | 002780 | 178*) |
| 166. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 002793 | 067*) |
| 167. | 500 000 сўм | 002796 | 037*) |
| 168. | 50 000 сўм | 002846 | 001-200 |
| 169. | 10 000 сўм | 002859 | 001-200 |
| 170. | 500 000 сўм | 002873 | 049*) |
| 171. | 5 000 сўм | 002876 | 001-200 |
| 172. | 10 000 сўм | 002877 | 001-200 |
| 173. | 5 000 сўм | 002878 | 001-200 |
| 174. | 500 000 сўм | 002880 | 048*) |
| 175. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 002885 | 159*) |
| 176. | 500 000 сўм | 002908 | 108*) |
| 177. | 10 000 сўм | 002916 | 001-200 |
| 178. | 5 000 сўм | 002918 | 001-200 |
| 179. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 002925 | 168*) |
| 180. | 500 000 сўм | 002936 | 005*) |
| 181. | 5 000 сўм | 002939 | 001-200 |
| 182. | Бухорога йўлланма (2 кишилик) | 002950 | 102*) |
| 183. | 500 000 сўм | 002990 | 038*) |
| 184. | 10 000 сўм | 003001 | 001-200 |
| 185. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 003002 | 106*) |
| 186. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 003024 | 031*) |
| 187. | 1 000 000 сўм | 003070 | 106*) |
| 188. | 5 000 сўм | 003077 | 001-200 |
| 189. | 10 000 сўм | 003094 | 001-200 |
| 190. | 5 000 сўм | 003103 | 001-200 |
| 191. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 003105 | 056*) |
| 192. | 10 000 сўм | 003111 | 001-200 |
| 193. | 5 000 сўм | 003119 | 001-200 |
| 194. | 500 000 сўм | 003121 | 049*) |
| 195. | 5 000 сўм | 003122 | 001-200 |
| 196. | 10 000 сўм | 003123 | 001-200 |
| 197. | 5 000 сўм | 003136 | 001-200 |
| 198. | 5 000 сўм | 003146 | 001-200 |
| 199. | 10 000 сўм | 003148 | 001-200 |
| 200. | 5 000 сўм | 003157 | 001-200 |
| 201. | 25 000 сўм | 003161 | 001-200 |
| 202. | 10 000 сўм | 003171 | 001-200 |
| 203. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 003176 | 073*) |
| 204. | 5 000 сўм | 003184 | 001-200 |
| 205. | 50 000 сўм | 003188 | 001-200 |
| 206. | 5 000 сўм | 003194 | 001-200 |
| 207. | 5 000 сўм | 003195 | 001-200 |
| 208. | 500 000 сўм | 003203 | 066*) |
| 209. | 10 000 сўм | 003214 | 001-200 |
| 210. | 500 000 сўм | 003238 | 127*) |
| 211. | 5 000 сўм | 003248 | 001-200 |
| 212. | Бухорога йўлланма (2 кишилик) | 003285 | 014*) |
| 213. | 5 000 сўм | 003301 | 001-200 |
| 214. | 10 000 сўм | 003310 | 001-200 |
| 215. | 25 000 сўм | 003320 | 001-200 |
| 216. | 5 000 сўм | 003323 | 001-200 |
| 217. | Бухорога йўлланма (2 кишилик) | 003352 | 086*) |
| 218. | 500 000 сўм | 003362 | 004*) |
| 219. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 003379 | 084*) |
| 220. | 500 000 сўм | 003393 | 160*) |
| 221. | Бухорога йўлланма (2 кишилик) | 003424 | 097*) |
| 222. | 5 000 сўм | 003435 | 001-200 |
| 223. | 5 000 сўм | 003440 | 001-200 |
| 224. | 5 000 сўм | 003443 | 001-200 |
| 225. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 003445 | 066*) |
| 226. | 25 000 сўм | 003457 | 001-200 |
| 227. | 10 000 сўм | 003470 | 001-200 |
| 228. | 5 000 сўм | 003491 | 001-200 |
| 229. | 25 000 сўм | 003493 | 001-200 |
| 230. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 003508 | 160*) |
| 231. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 003519 | 199*) |
| 232. | 10 000 сўм | 003531 | 001-200 |
| 233. | 500 000 сўм | 003557 | 106*) |
| 234. | 5 000 сўм | 003580 | 001-200 |
| 235. | 10 000 сўм | 003584 | 001-200 |
| 236. | 10 000 сўм | 003587 | 001-200 |
| 237. | 50 000 сўм | 003633 | 001-200 |
| 238. | 5 000 сўм | 003634 | 001-200 |
| 239. | 5 000 сўм | 003642 | 001-200 |
| 240. | 50 000 сўм | 003647 | 001-200 |
| 241. | Бухорога йўлланма (2 кишилик) | 003652 | 085*) |
| 242. | 10 000 сўм | 003693 | 001-200 |
| 243. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 003720 | 083*) |
| 244. | 10 000 сўм | 003724 | 001-200 |
| 245. | 500 000 сўм | 003731 | 150*) |
| 246. | 500 000 сўм | 003741 | 069*) |
| 247. | Бухорога йўлланма (1 кишилик) | 003743 | 127*) |
| 248. | 500 000 сўм | 003747 | 147*) |

**Изоҳ:** *) Лотереянинг шу сериядаги қолган 199 та билети рақамига 2000 сўмдан пул ютуғи чиқди.

«Қадимий Бухоро» тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяси бўйича 500 000 (беш юз минг) сўмгача бўлган ютуқлар банкнинг барча филиали томонидан ютуқлар тиражи расмий жадвалига асосан тўловга қабул қилинади.

500 000 (беш юз минг) сўм ва ундан катта миқдордаги пул-буюм ютуқлари лотерея билетлари банкнинг бош офиси Лотереяларни экспертиза қилиш бўлимида экспертизадан ўтказилганидан сўнг тўлаб берилади.

Ютуқли лотерея билетлари ютуқлар тиражи расмий жадвали матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, 4 (тўрт) ой муддат давомида тўловга қабул қилинади. Ушбу муддат тугаганидан сўнг лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

Ҳайъат раиси: **Б. Б. Мақсудов,**
Бухоро шаҳар ҳокими ўринбосари.

Ҳайъат котиби: **Н. Н. Искандаров,**
Халқ банки марказий аппарати бошқарма бошлиғи ўринбосари.

*Хизматлар лицензияланган.*

***Кимошди (аукцион) савдоси хизматини кўрсатувчи ташкилотлар раҳбарлари диққатига!***

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати Хўжалик фаолияти бошқармаси автохўжалиги

**ўз ҳисобидаги автотранспорт воситаларини кимошди (аукцион) савдоси орқали сотиш учун танлов ўтказаётганлигини маълум қилади.**

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилиши керак:**

- ташкилот тўғрисида қисқача маълумот;
- ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома нусхаси, кўчар мулкнинг кимошди (аукцион) савдосини ўтказиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат нусхаси (мавжуд бўлса);
- ташкилот томонидан кўрсатилган кимошди (аукцион) савдоси хизматларининг нархи (сўм ёки фоизда);
- кимошди (аукцион) савдоси хизматини амалга ошириш тартиби ва муддатлари тўғрисида маълумот.

**Тижорат таклифлари қуйидаги мезонлар асосида танлаб олинади:**

- лозим бўлган барча ҳужжат ва маълумотни тақдим этиш;
- маълумотларнинг ҳаққонийлиги;
- кимошди (аукцион) савдоси хизматининг нархи (сўмда ёки фоизда).

***Тижорат таклифлари 2018 йил 6 август соат 16.00 га қадар қабул қилинади.***

***Танлов комиссияси ғолиб ташкилотни аниқлаш мақсадида танловда иштирок этаётган ташкилотлардан бошқа зарурий маълумотларни сўрашга ҳақлидир.***

**Танлов юзасидан алоқа учун шахс — И. Исмоилов. Алоқа учун телефон: (0-371) 239-86-09. Факс: (0-371) 239-47-89. Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шароф Рашидов шоҳкўчаси, 11-уй.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси жамоаси Хорижий тиллар кафедраси доценти Гулнора Сияевага онаси

**Салима ХОДЖАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси жамоаси Нашриёт-таҳририят маркази етакчи муҳаррири Гулнора Абдуллаевага отаси

**Лутфулла АҲМЕДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 77 032 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6